

**МУЛККА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИГА ОИД
ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ**

Хусанов Диёрбек Фарходжон ўғли

ИИВ Академияси 3-босқич курсанти

Тўхтасинов Муҳаммадамин Шермухаммад ўғли

ИИВ Академияси 3-босқич курсанти

Маъмурий ҳудудларда жамоат тартибини ва хавфсизлигини таминлаш фукороларнинг ҳуқуқлари ва еркинликларини ишончли химоя қилиш шахс ва давлат мулкларини жинойи тажавузлардан ишочли химоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимига хорижий давлатлар ИИВ тизимига оид тўпланган илмий ва амалий тажрибаларни ўрганиш ҳамда вазирлик тизимига жорий этиш ва узаро тажриба алмашиш яни ҳар бир давлатнинг мулкий юсиндаги жиноятчиликка қарши курашиш бўйича зига хос тажрибасини урганиш ва амалиётга тадбиқ этиш бугунги куннинг долзарб муоммоларидан биридир.

Ҳар бир давлатнинг жамоат тартиби ва хавсизлигини таминлаш тизими бошқа мамлакатларниқидан муайян хусусияти билан ажралиб туради бу борада ўзига хос тажриба Россия Федератсиясида тўпланган. Мамлакат конституциясининг 72-моддасига мувофиқ қонунийлик ҳуқуқ-тартибот жамоат хавсизлигини таминлаш шунингдек жиноятларни олдини олиш Россия Федератцияси ва субъектларининг биргалиқдаги бошқарувида амалга оширилади. Россия Федератцияси ИИВ федератция таркибига қирувчи республикалар ИИВ лари, ўлкалари, вилоятлар, федерал даражадаги шаҳарлар ички ишлар бош бошқармалари, бошқармалар ва бўлимлар, автоном вилоятлар ва округлар туман ва шаҳар ички ишлар органлари темир йўл, хаво ва сув транспорти тармоқ ички ишлар органлари, таълим муассасалари ва илмий тадқиқотиот марказлари, ички кўшинлар ҳамда тизимга қирувчи бошқа таркибий тузилмаларнинг фаолиятига раҳбарлик қилади. Россия федератциясининг «Политция тўғрисида»ги 2011йил 7-феврал қонуни қабул қилинган булибушбу қонунда политция ижроия ҳокимияти федерал органининг ички ишлар соҳасидаги ягона марказлашган тизими таркибий қисми ҳисобланиб фаолиятнинг асосий йуналишлари қуйидагилардан иборат: шахс жамият ва давлатни ҳуқуққа ҳилоф тажовузлардан химоя қилиш жиноя ва маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва қош этиш жиноятларни аниқлаш ва очиш жиноят ишлари бўйича суриштирувни амалга ошириш қидирувни ташкил этиш маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юююритиш ва маъмурий жазоларни ижро этиш жамоат жойларида ҳуқуқ тартиботни таминлаш қурол савдоси соҳасидаги Россия Федератцияси қонунчилигига риоя этилиши устидан қонунчилигига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш ҳусусий

дедectiveлик ва кўриклеш жабрланувчилар ,гувоҳ ва жиноятга оид суд иш юритувидаги бошка иштирокчилар судьялар прокурорлар , терговчилар , ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг бошка мансабдор шахслари ҳамда курикланиши талаб этиладиган бошка шахсларни давлат химояси билан таминлаш эксперт-криминалистик фаолиятни амалга оширишдан иборат.Ўзбекистон Республикасида эса ички ишлар органлари тизими милитция ҳуқуқий мақоми билан фаолият олиб боради тизимининг ҳуқуқий асоси сифатида 2016-йил 16-сентябрдаги «Ички ишлар органли тўғрисида»ги қонуни асос ҳисобланади.Хар иккала давлатлар ИИБ тизими вазифалари деярли бир хил таксимланган. Россия давлатида политция фаолиятини самарали йўлга қўйиш мақсадида Россия Федерацияси Ички ишлар вазирлиги таркибида қирқдан ортиқ Бош бошқарма, департамент , бошқарма ва марказлар ташкил этилган .Уларнинг орасида жамоат тартибини сақлаш ва Россия федерацияси Ижро ҳокимияти субъектлари билан ҳамкорликни мувофиқлаштиришни таминлаш бош бошқармаси, Йул ҳаракати хавфсизлигини таминлаш бош бошқармаси, Йирик ҳалқаро ва оммавий спорт тадбирларида жамоат хавфсизлигини таминлаш бошқармаси ва улар тизимидаги таркибий тузилмалар бевосита жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлиги таминлаш вазифасини амалга оширса қолган бош бошқарма, департамент, бошқарма ва марказлар ўзига юклатилган асосий вазифаларни бажариш асносида маълум бир даражада ва вақтда ушбу фаолиятда иштирок этадилар.Россия Федерацияси ҳукуматининг 2019 йил 7-декабрдаги «Жамоат хавфсизлиги милитцияси булинмалари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Россия Федерациясида участка инспекторлари лавозими жорий этилган.Ўзбекистон Республикасида “ИИО таяч пунктларига” ўхшаш тузилмалар Россияда “тартибни сақлаш таяч пунктлари” деб номланиб тартибни сақлаш таянч пунктлари жамоатчилик органи ҳисобланиб унга қирувчи жамоатчилик тузилмаларининг келишилган ҳолда фаолият курсатиши кенгашлар томонидан таминланади. Россия Федерациясида ички ишлар органлари тизими милитциядан политцияга ўзгартирилгандан кейин мамлакатда тартибни сақлаш таянч пунктлари политция участка пунктлари сифатида номлана бошлади.

Политция участка нозир- политция участка пунктларининг асосий субъектларидан бири булиб уларнинг фаолияти Федерация ИИБ нинг 2019-йил 31-декабрдаги буйруғи билан тасдиқланган Политция участка нозирларининг фаолиятини ташкил этиш масалалари га доир буйруғ асосида ташкил этади.Россия Федерациясида политция участка нозирлари маъмурий ҳудудларида турли хил қуринишдаги узгалар мулкани талон тарож қилиш билан боғлиқ жиноятларни олдини олиш хусусан ўғрилик жиноятларидан жабланишининг олдини олиш мақсадида бир канча чора тадбирларни амалга оширади.Ўғрилик жиноятларини олдини олишда Россияда участка нозирлари

Ўғрилик жиноятининг қурбони яни жинотядан жабланишининг олдини олиш мақсадида милитцияга кумаклашувчи жамоатчилик тузилмалари билан ҳамкорликда ишларни амалга оширади. Шунга қарамасдан Россия федератсиясида ўшбу жиноят тури кенг тарқалган. Бугунги кунда ривожланган давлатларда ўшбу жиноятдан жабрланганлар сони умумий жиноятчиликнинг 80% ни ташкил этади, бутун дунёда эса 70% атрофида. 1975 йилларда бутун дунёда ўшбу жиноятчилик сони кескин ошган. Ўшбу жиноятдан жабрланганлар сони 100 минг кишига тўғри келган. Бу фуқоролар орасида 2100 таси турли давлатдан келган мухожирлар бўлиб, 1980 йилга келиб уларнинг сони 2500 тага, 1985 йилга келиб эса 4100 тага етган. Россияда эса ўғрилик жиноятининг улуши бироз пастроқ-умумий жиноятчиликнинг 50.0% ташкил этади. Ўшбу жиноятчилик кўрсаткичлари 1995 йилда 49.6%, 1997 йилда 44.8%, 1998 йилда эса 38% ни ташкил етган. Бугунги кунда Россияда ўзгалар мулкани талон тарош қилиш билан боғлиқ жиноятлар умумий жиноятчиликнинг 80 % ни ташкил етмоқда. Россияда ўғрилик жинояти тарқалиш жиҳатдан қуйидагича тақсимланиши мумкин: 1) квартирадаги ўғриликлар 2) кучалардаги ўғриликлар 3) автомобил транспортидаги ўғриликлардан иборат бўлиб, хонадонлардаги ўғриликлар асосан умумий ўғрилик жиноятларининг 26% ташкил этади. Улар асосан қуйидаги жойларда содир этилади, дам олиш уйларида, санаторияларда, транспорт воситаларининг ўғирланиши эса 10.8% ни ташкил этади. Ўшбу жинотни содир этилишида асосан мол-мулк эгаларининг ўрни низоҳатда қатта бўлиб, жиноятчи шахс томонидан уларни ҳулқ-атвори, яшаш тарзи ва бошқа ҳолатларини ўрганиб уларнинг мулкани яширин тарзда ўзлаштиради. Бу эса ўз навбатида жисмоний ва юридик шахсларнинг моддий зарар етказилишига олиб келади. Бугунги кунда Россияда юридик шахслардан кўра жисмоний шахсларнинг ўғрилик жиноятдан жабрланиш эҳтимоли юқори кўрсаткичли ташкил етмоқда. Мисол учун 2015 -йилда 1.365 юридик шахс руйхатга олинган бўлса, шулардан фақат 372 тасида ўғрилик жинояти содир этилган бу эса умумий асосда 27.2% ни ташкил этади. Аҳолининг қурбон даражаси эса сўровлар жатижасида ўрганилганда 2015 йилда 56.5% ни 2016 йилда эса 51% ташкил етган. Автотранспорт воситаларини ўғирлаш жиноятлари эса 2016 йилда 30.6% ташкил этади. Ўшбу турдаги жиноятларнинг содир этилишида асосан жиноят қурбонларининг демографик маълумотлари яни ёши, ижтимоий мавқеи, шахсий сифатлари ногиронлиги ва бошқа сифатлари ҳисобга олинади. Бугунги кунда Россияда асосан хонадон ўғриликлари ўшбу турдаги жиноятларнинг умумий сонинг деярли 50% ни ташкил этади. Хонадонларда содир этиладиган ўғрилик жиноятдан жабрланган шахсларни ёшга қараб қуйидагича тақсимлаш мумкин:

24-32 ёшдагилар –24.2%

32-49 ёшдагилар –21.2 %

18-24 ёшдагилар –18.5 %

40-48 ёшдагилар –15.4 %

48-56 ёшдагилар –8.4 %

14-18 ёшдагилар - 4.2%

64 ёшдан катталар –3.5% ни ташкил этади.

Бази холларда жиноят шахсининг турли хил хатти -харакатлари ва хаддан ташкари ўзга ишоничига кириши яни, ёш болаларга ёки кексаларга ёрдам бериш мақсадида уларнинг ишоничига кириш ва уларга ёрдамлашишни ваъда қилиб, мулкни ўғирлаш ҳолатлари куп кўзатилмоқда.Бундан ташкари жиноятчи шахс томонидан жабрланувчиларнинг урганилиши яни фуқороларнинг бойлиги, моддий бойликларининг қаровсизлиги ёки тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши сабаб бўлади.Шунингдек, савдо ходимлари тадбиркорлик фаолиётида воситачилик қилувчи шахслар томонидан ёки ишчи, хизматчилар ҳам ўғрилик жиноятлари содир этиб улар томонидан содир этилган ўғрилик жиноятлари 18.6 % ташкил этади.Ўғрилик жиноятларини содир этилишида шунингдек жабрланувчи шахсларнинг ҳам урни катта уларнинг алкоголь маҳсулотларини истемол қилиниши ёки гиёҳвандлик воситаларини истемол қилиши ҳам уларнинг мулкни ўғирланишига сабаб бўлади.Фуқороларнинг чунтакларидан ўғирлаш ҳолатлари куплаб қузатилади асосан ушбу ҳолатда жиноятдан жабрланиш ҳолатлари аёлларда купрок қузатилиб катта миқдордаги пулларни олиб дукон ва савдо объектларида бепарво юришлари натижасида уларнинг ўғрилик қарбонига айланиш хавфи каттарок бўлади.

Россияда фуқароларнинг ўғрилик жиноятдан жабрланишининг олдини олиш мақсадида полиция участка нозирлари ушбу жиноятларнинг олдини олиш бўйича қуйидаги милицияга қўмақлашувчи жамоатчилик тузилмалари билан ҳамкорликда ишларни ташкил этади:

-жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасида бевосита ҳуқуқни муҳофаза қилиш функциясини бажарувчи жамоатчилик тузилмалари тартибни сақлаш таянч пунктлари кунгилли халқ дружиначилари казаклар жамияти;

-корхона, муассаса ва ташкилотларнинг меҳнат жамоалари негизида ташкил этилган жамоатчилик тузилмалари-комиссиялар, секциялар, кенгашлар, марказлар;

-яшаш жойларида фуқароларнинг узини узи бошқариши тарзида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашга қўмақлашиш учун тузилган жамоатчилик тузилмалари- мавзелар кумиталари, ота оналар кумиталари, жамоатчи тарбиячилар;

-муайян масалаларни қуриб чиқиш ва қарор қабул қилиш ваколатига эга бўлган жамоатчилик юрисдикциявий органлари, маъмурий комиссиялар, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар;

Кунгилли халқ дружиначилари Россияда тарихан шаклланган жамоатчилик тузилмаси бўлиб мамлакат қонунчилигида уларнинг ҳуқуқ тартиботни

таъминлаш бўйича фаолиятини янгича шароитда ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари яратилган. Хозирда Москва шаҳрида жамоат тартибини сақлашда ва мулкий турдаги жиноятларнинг олдини олишда дружиначиларнинг ўз ўрни мавжуд бўлиб уларнинг фаолияти штаблар томонидан мувофиқлаштирилиб борилади. Россия Федерациясининг айрим ҳудудларида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасида милицияга ёрдам берувчи фаолияти ҳуқуқий таъминланган яна бир ўзига хос тузилма казаклар жамиятидир. Хозирги кунда мамлакатнинг биргина Краснодар ўлкасида 300га яқин казаклар жамиятига бирлашган 5000 дан ортиқ кунгиллилар жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашда милицияга ёрдам курсатмоқда. Шунингдек, Россия Федерациясининг бир қатор ҳудудий ички ишлар органлари тизимида полиция участка нозирининг ёрдамчиси лавозими мавжуд бўлиб, ушбу лавозимга қабул қилинган ҳар бир ходим туман шаҳар ички ишлар органи бошлигининг бўйруғи билан муайян полиция участка нозирига бириктирилади ҳамда унинг раҳбарлигида хизмат қилади. Полиция участка нозирининг жиноят ва ҳуқуқбузарлик ишлари юзасидан мустақил процессуал қарор қабул қилишдан ташқари барча ҳуқуқ ва мажбуриятларидан унинг ёрдамчиси ҳам фойдаланишига руҳсат этилади. Шунингдек, маъмурий ҳудудларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда полиция участка нозирларига қумаклашувчи патрул-пост хизмати ходимларининг урни қатта улар хизмат ҳудудида патруллик қилиш асосида жиноят содир этилиши мумкин бўлган жойларни, яширинган жиноятчиларни аниқлайдилар, шахсларнинг жамиятга зид ҳулқ-атворга эргашмаслигини таъминлайдилар, содир бўлган гайриижтимоий хатти-ҳаракатларга нисбатан тезда тегишли чоралар қурадилар ёки бу ҳақда навбатчилик қисми, қриминал милиция ва бошқа хизматларни хабардор қиладилар. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда Республикамизда профилактика инспекторлари томонидан хонадонларда содир этиладиган ўғрилиқларни олдини олиш фаолиятини амалга ошириш Россия Ички ишлар вазирлиги тизимида фаолият олиб боровчи полиция участка нозирларининг ўғрилиқларни олдини олиш фаолияти солиштирилганда икки давлат профилактика хизматлари ўртасида анчагина фарқларнинг мавжудлиги кўзга ташланди, хусусан, Россия давлатида полиция участкаларига қумаклашувчи йигирмадан ортиқ турли хил ташкилот, гуруҳлар, уюшмалар ҳамкорликда ўғрилиқни виқтимологик профилактикасини амалга оширади.